



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Рўзибой Нормухоматов – Сам ИСИ профессори, т.ф.д.

Акрам Джуракулович Гафуров – СамИСИ катта ўқитувчиси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ БИЛИШ – НОБУДГАРЧИЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Аннотация: мазкур мақолада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга илмий ёндашув, яъни мева-сабзавотлар сақланаётган омборларда оптимал ҳарорат, нисбий намлик, газ муҳитини яратиш нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омили эканлиги бўйича маълумотлар келтирилади ва нобудгарчиликни камайтириш бўйича муҳим тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: картошка, мева, сабзавот, нафас олиш, ҳарорат, нисбий намлик, газ муҳити.

Кириш. Мамлакатимизда озиқ – овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Фикримизнинг далили сифатида Республика Президентининг 2020 йил 9 сентябрда қабул қилинган “Республика озиқ – овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ – овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора – тадбирлар тўғрисида” ги Қарорини келтириш мумкин. Мазкур қарорда мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ – овқат маҳсулотларининг халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ – овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини жорий этиш асосида аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи кўзда тутилган.

Мамлакатимизда озиқ – овқат маҳсулотлари, хусусан мева ва сабзавот маҳсулотлари захираларини оширишда уларни сақлаш ва ташиш жараёнларида бўладиган нобудгарчиликни камайтириш ҳам муҳим омили ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Картошка, хўл мева ва сабзавотларни сақлаш ва бу жараёнларда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш бўйича бир қатор илмий – тадқиқот ишлари бажарилган. Масалан, бу борада мамлакатимизда илмий ишлар олиб борган тадқиқотчилар қаторига академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари, Тошкент аграр университети профессор – ўқитувчилари, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ – овқат товаршунослиги” кафедраси профессор – ўқитувчилари З.В.Коробкина, А.В. Нацвин, Г.Н. Кругляков, Р.Нормухоматовлар ҳисобланади. Бу соҳада Россия Федерациясида илмий тадқиқот ишлари бажарган олимлар қаторига Ф.В. Церевитинов, В.Г. Сперанский, А.А. Колесник, М.Н. Журавлёва, М.А. Николаева, Л.В. Метлицкий, Л.Г.Елизарова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган изланишлар натижасида картошка, мевалар, сабзавотларни сақлашда, ташишда бўладиган нобудгарчиликларни ўрганишда қиёсий таҳлил, иқтисодий – статистик таҳлил, физикавий ва кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил натижалари. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса картошка, мева ва сабзавотларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчи дастурхонига етказиб бериш жараёнида бўладиган нобудгарчиликларни камайтириш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, хусусан ҳар бир тур меваларнинг ва сабзавотларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнида юз берадиган ўзгаришларни билмасдан туриб ва улар учун оптимал шароитларни яратмасдан туриб нобудгарчиликларни камайтириш мумкин бўлмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти”

маълумотларига кўра доннинг 6-10 фоизи, мева ва сабзавотларнинг эса 20-30 фоизи нобуд бўлмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам картошка, мева ва сабзавотларни сақлаш, ташиш жараёнида бўладиган нобудгарчиликлар юқорида келтирилган даражадан кам эмас.

Табиийки, нобудгарчиликни камайтириш учун унинг сабабларини билиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Шундай экан картошка, мева ва сабзавотларни сақлашда вужудга келадиган нобудгарчиликнинг асосий сабаби қуйидагилар ҳисобланади (2.3):

1) картошка, мева ва сабзавотларни териб олиш, саралаш ва уларга товар ишлови беришда тегишли талабларга риоя қилмаслик;

2) сувнинг буғланиши ҳисобига массанинг камайиши билан боғлиқ йўқотишлар;

3) углеводлар ва бошқа органик бирикмаларнинг нафас олиш жараёнига сарф бўлиши билан боғлиқ йўқотишлар;

4) микроорганизмлар таъсирида бузилиш натижасида вужудга келадиган йўқотишлар;

5) физиологик касалликлар туфайли пайдо бўладиган йўқотишлар;

б) мева ва сабзавотларни омборхоналарда сақлашда ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, газ муҳити ва шамоллатиш жараёнларининг оптимал бўлмаслиги натижасида вужудга келадиган йўқотишлар ва бошқалар.

Картошка, мева ва сабзавотларни сақлашда ана шу омилларни бошқариш билан бир қатор омборхоналарни оқлаш, дезинфекция қилиш, омборхонадаги мавжуд жиҳозлар ва ўлчов асбобларининг фойдаланишга яроқлилигини текшириш, бир сўз билан айтганда янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёрлаш ҳам нобудгарчиликларни камайтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Маълумки сақлашда бўладиган нобудгарчиликлар жуда юқори. Шу сабабли уларни камайтириш картошка, мева ва сабзавотларни етиштириш билан машғул хўжаликларнинг ва уларни сақлаш билан шуғулланувчи корхоналарнинг иқтисодий қувватини мустаҳкамлаб, озиқ – овқат маҳсулотлари захираларини оширишга олиб келади. Шулар асосида қуйидаги таклифларни берамиз.

1. Мақсадга мувофиқ сақлаш учун мева ва сабзавотларни сақланувчан навларини танлаш.

2. Ҳосилни йиғиб олиш, саралаш ва товар ишлови беришда тегишли талабларга риоя қилиш.

3. Картошка, мева ва сабзавотларни ўраб – жойлашда, сақлашда ташишда янги идишлардан фойдаланиш.

4. Картошка, мева ва сабзавотларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб сақлашда оптимал шароитларни яратиш (ҳарорат, нисбий намлик, газ муҳити, шамоллатиш усуллари).

5. Картошка, мева ва сабзавотларни сақлашнинг илғор усулларида фойдаланиш ва бошқалар.

Бу келтирилган тавсиялар шундан далолат берадики, картошка, мева ва сабзавотларни сақлашда бўладиган нобудгарчиликларни камайтиришга эришиш масаласи оддий жараён бўлмасдан, комплекс тадбирларни қўллашни талаб этар экан.

Хулоса қилиб айтганда, картошка, мева ва сабзавотларни сақлашда бўладиган нобудгарчиликни камайтириш озиқ – овқат маҳсулотларининг захираларини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади ва мамлакат аҳолисини мева ва сабзавотлари билан таъминлашда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, картошка, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, сақлаш ва аҳолига етказиб бериш соҳасида хизмат кўрсатаётган ходимларнинг мева ва сабзавотларни сақлашнинг илмий асослари борасида етарлича билимга эга бўлишлари нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим кафолатидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республикада озиқ – овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ – овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора - тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
2. Николаева М.А. Товароведение плодов и овощей. М.: Экономика, 1990, 99 – 128 бетлар.
3. Джафаров А.Ф. Товароведение плодов и овощей. М.: Экономика, 1985, 191 – 200 бетлар.

<p style="text-align: center;">Р.Нормахматов, А.Гафуров</p> <p style="text-align: center;">Знание научной основы хранения сельскохозяйственных продуктов - важный фактор сокращения потерь при хранении</p> <p>Аннотация: В статье представлена информация о необходимости создания в хранилищах оптимальные режимы хранения, т.е. температура, относительная влажность воздуха, газовой среды с целью сокращения потерь при хранении и дается ряд предложений по сокращению потерь плодоовощной продукции.</p> <p>Ключевые слова: картофель, плод, овощ, дыхание, температура, относительная влажность, газовая среда.</p>	<p style="text-align: center;">R. Normakmatov, A. Gafurov</p> <p style="text-align: center;">Knowledge of the scientific basis for the storage of agricultural products is an important factor in reducing storage losses</p> <p>Abstract: The article provides information on the need to create optimal storage modes in storages, i.e. temperature, relative humidity of air, gaseous environment to reduce storage losses and offers suggestions for reducing storage losses of fruit and vegetable products.</p> <p>Keywords: potato, fruit, vegetable, respiration, temperature, relative humidity, gas environment.</p>
---	--

Умар Худайбердиев – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, и.ф.н.

Нилуфар Зиябаевна Юлдашова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар натижалари, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришдаги ютуқлар, кластерларнинг ташкил этилиши, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими баён қилинган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги ислохотлари, деҳқон хўжалиги, агрокластер, мева-сабзавотлар, интенсив усул.

Кириш: Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида ҳам бозор муносабатларини жорий этиб хусусий фермер ёки деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Аграр ислохотлар мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб, аввалгидек бўлган пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш вазифаси қўйилади. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ўзгариш бўлиб, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса буғдой, картошка, турли ҳил сабзавотлар ҳажми кўпайди, экинларнинг ҳосилдорлиги ошди. Қишлоқларда фермер ва деҳқон хўжаликларига барча турдаги хизматларни кўрсатувчи муқобил МТПлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотувчи шохобчалар, мини-банклар, ҳамда тайёр маҳсулотларини сотиб олувчи турли уюшмалар ташкил этилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аграр соҳада деҳқончилик маҳсулотларни етиштириш борасида илмий-назарий ва методологик муаммолари ва унинг услубий масалалари билан мамлакатимизда бир қатор иқтисодчилар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Ё.А.Абдуллаев, Пардаев М.Қ., Муртазаев О., Мирзаев Қ.Ж., Холикулов А.Н., Худайбердиев У.Х. кабиларни киритишимиз мумкин; ушбу олимлар мавзуга оид муҳим илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иш жараёнида рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишини ўрганишнинг илмий усуллари - экспериментал тадқиқот, унумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Қарорига мувофиқ пахта ва ғалладан қисқартирилган паст ҳосилли 200 минг гектар ерни захирага олиб, уларни имкони борича

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023